



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 39 (9.842)

2003 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ФАРМОЙИШИ

2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда республикада санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўкламги ишларни ташкил этиш ва «Наврўз» умумхалқ байрамни нишонлашга тайёргарлик кўриш мақсадида:

1. Республика «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоатчилик вакилларининг 2003 йил март ойида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойланини ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Республика «Маҳалла» жамғармаси (А. Гадоёбоев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Назиров), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Ў. Холмухамедов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойланини ўтказишга доир аниқ тадбирлар режасини уч кун муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқланлар.

Режада:

ойлиқни ўтказиш тадбирларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, уй-жой мулкдорлари ширкатларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни, ўқув юрларини, шунингдек республиканинг барча аҳолисини кенг жалб этиш;

савдо, умумий овқатланиш объектларида, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва мактабларда, жамоат транспортларида, бозорларда, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги ичимлик сув таъминоти манбаларида санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш юзасидан белгиланган тартибда рейдлар ташкил этиш;

кўп қаватли ва хусусий уйлар атрофи ва йўлакларини, ариқлар ва лотокларни, канализация дукларини, ахлатларни тўшлаш ва ташиб кетиш майдончаларини, болалар ва ўйин майдончаларини тартибга келтириш;

турар жой маззелари ва маҳаллаларда кўчатлар ўтказиш, даракларни оқлаш ва буташ, қурилиш ва маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўшлаш ва ташиб кетиш назарда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (С. Беғалиев) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, республика корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига кўчатларнинг ўз вақтида, зарур миқдорда етказиб берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Ниёзматов), Ички ишлар вазирлиги (Б. Субанов) аҳоли ўртасида трезаликка ва санитария маданиятига риоя қилиш масалалари тарғиботини фаоллаштирсинлар, санитария талабларини таъминланмаган ташкилотлар, идоралар раҳбарлари ва жисмоний шахсларга нисбатан талабчанликни кучайтирсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва муассасалар 2003 йил 15 март куни умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил қилсинлар ва ундан тушган маблағни Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказсинлар.

6. «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов), Матбуот ва ахборот агентлиги (Р. Шоғулмов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М. Ҳазратқуллов) ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ўтказиладиган ойланининг боришини кенг ёритсинлар.

7. Ойлиқ зарур даражада ташкил этиш ва ўтказиш ишларини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 25 февраль



Халқ банкининг Чилонзор туманидаги 78/82 бўлим, 0262 шохобчасида банк ходимлари мижозларга доимо хушмуомалада бўлиб, юмушларини тез ва соз битириб беришади.

СУРАТДА: банкининг моҳир ҳисобчиларидан бири Мухайё Алимова навбатдаги мижозга хизмат кўрсатмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ Бир КУНИ Янгиликлар, воқеалар

Қисқарта

□ Бугун «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ўз фаолиятининг бир йиллигини нишонламоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан телеклуб 12 та замонавий компьютерлар билан жиҳозланди. Шунингдек, бугун телеклубда интернет кафенинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Клубнинг «Юлдузлар», «Хобби», «Баҳс» залларида байрам тадбирлари уюштирилди.

□ Ёшларни спортга жалб қилиш, уларнинг жисмонан бақувват шахс бўлиб етиштирилиш мақсадида маҳаллаларда бир қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Жумладан, эртага Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев маҳалласида Ўзбекистон футболининг ёрқин юлдузи Миржалол Қосимов иштироқида «Обод маҳаллада соғлом оила» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели

Маҳаллада қадим-қадимдан инсон камолотига хизмат қилувчи миллий қадрият ва анъаналар шаклланган. Бундай ижтимоий макон халқимиз тарихида жамият ва давлатни бошқариш тизимининг муҳим бўғини бўлиб келган. Бугунги кунда ушбу тизим мавқени юксалтириш, ўзаро меҳроқибат туйғуларини мустаҳкамлашда унинг нуфузини кўтариш долзарб вазифалардан биридир.

Тошкент вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда ана шулар хусусида сўз юритилди. «Маҳалла тизими - ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели» мавзусидаги анжуманда сўзга чиққанлар «Обод маҳалла йили» дастурининг ижтимоий-сиёсий моҳияти, маҳалланинг миллий давлатчилигимиз тизимидаги ўрнига алоҳида аҳамият қаратди.

Анжуманда ўзини ўзи бошқариш тизимини янада ривожлантиришда ота-она ва ўқитувчилар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, педагоглар маҳоратидан унумли фойдаланиш яҳши самара бериши таъкидланди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири.

ХУШБАҲАР САДОСИ

Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитаси Нотижорат ҳуқуқлар халқаро маркази (USAID) ва USAID (Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий ўқув дастури) («STFRT» лойиҳаси) билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолияти» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

• Республика Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси бошқаруви раёсатининг йиғилишида ўтган йили амалга оширилган ишлар муҳокама этилди.

• Ўзбекистон Маданият ишлари Вазирлиги, Ўзбекистон уюшмаси, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, Бадиий академия, Бастакорлар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамкорликда эълон қилган «Қариялар — юрт кўрки, зийнати» танловини олиб бериш аниқланди.

• Сурхондарё вилоят маданият ишлари бошқармаси қошидаги «Наврўз» штаби томонидан вилоятда Наврўз умумхалқ байрамини ўзига хос кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида амалий ишлар бошлаб юборди.

• Наманганда янги автоматик газ тақсимлаш станцияси фойдаланишга топширилди. Натижада бир нечта туманларда газ босими кўтарилиб, аҳолига кенг қулайликлар яратилди. Янги комплекс таркибига 14 километр узунликдаги ерости қувурлари ва бир нечта компрессор станциялари кирди.

• Бугун республикамиз пойтахтида ҳаво очилиб турди. Ёгингарчилик бўлмади. Кундузи ҳарорат 7-9 даража илиқ бўлди.



Жаҳонда

• Жанубий Кореянинг янги президенти Ро Муи Хен расман ўз лавозимини эгаллади. У ўзининг асосий вазифаси Шимолий Корея билан алоқаларни яхшилаш эканлигини таъкидлади.

• «Рейтер» агентлигининг хабар беришича, кеча Хитойнинг энг нуфузли икки — Синхуа ва Байда университетларида портлашлар юз берган. Натижада 9 нафар ўқитувчи ва профессорлар жароҳатланган. Полиция воқеа сабабларини ўрганмоқда.

• Шимолий Корея Япон денгизининг Япония ороллари ва Корея ярим ороллари оралиғидаги ҳудудда ўзининг ҳаракат радиуси кичик бўлган «Ер-денгиз» русумли баллистик ракетагини учирди. Расмий Пхеньяннинг маълум қилишича, бу ҳаракат мудофаа мақсадларида амалга оширилган.

Иқтисодиёт

**Ишлаб
чиқариш
кенгаяди**

Пойтахтимизнинг Сергели туманида фаолият юритаётган «Хуршида» хусусий корхонаси ўз маҳсулотлари билан миқозлари эътиборини қозонмоқда.

Мазкур корхонада тайёрланаётган 34 хил турдаги нон маҳсулотлари аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда. 69 нафар ишчи-хизматчи билан иш бошлаган корхонада ҳозирги кунда 133 нафар ўз касбига меҳр қўйган инсонлар сифатли, хушбўй, сархил нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бандлар.

Корхона цехларида Германиянинг «Винклер» ҳамда ўзимизнинг замонавий технологиялардан ўрнатилган. Утган — 2002 йилда жамоада 1 миллиард 117 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу билан биргаликда корхона цехларида бир неча хил қандолат маҳсулотлари ҳам тайёрланапти.

Жорий йилда корхона тadbиркорлари харидор талаби асосида иш юритиб, маҳсулот турларини кўлайитиришни мақсад қилишган. Бунинг учун эса корхона цехларига иккита технологик линия ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

**Йўлсозлар
фарзандларига
ғамхўрлик**

Республикамиз пойтахти кўчаларида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда узилишлар бўлмаслигини таъминлашда йўлсозларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. «Тошшаҳарйўловчиган» Давлат уюшмасининг йўл хизмати бошқармаси томонидан олиб борилаётган бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари режалари асосда ташкил этилаётганини айтиб ўтиш жоиздир.

Утган йилнинг ўзида ер усти электр транспортини йўллари билан бир нечтаси таъмирланиб, транспорт қатнови учун кўлайликлар муҳайё этилди.

«Ишонч ҳадвали» шioriга амал қилган ҳолда меҳнат қилаётган транспортчи йўлсозлар иқтисодий тежамкорликка ҳам эришмоқдалар. Қўлга киритилган бу маблағлар уларни ижтимоий ҳимоялаш учун сарфланмоқда.

Тежалган пулларнинг бир қисми уюшмага қарашли болалар оромгоҳларида имтиёзли дам олиш учун ажратилган бўлди. «Трамвайчи», «Автомобилчи» болалар оромгоҳларида ёзги таътил кунларида 3500 нафар ўғил-қиз дам олади. Йўл хизмати йўлсозлари фарзандларининг кўпчилиги бундай кўлайликдан баҳраманд бўлади.

Акбар АЛИЕВ

• ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР



**АСОСИЙ МЕЗОН
— СИФАТ**

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатимиз томонидан тadbиркор ва ишбилармонларга яратилаётган қулай шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда иш юритаётган корхоналар ва хусусий тadbиркорлар фаолиятлари йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Имкониятлардан оқилона фойдаланаётган мана шундай корхоналардан бири Яққасарой туманидаги «ZOBIT» Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонасидир.

Ҳозирги кунда жамоанинг 230 нафар малакали ишчи-хизматчилари томонидан бажарилган буюртмалардан миқозлар мамнун бўлмоқдалар.

Ушбу корхонанинг 5 та цехи тўлалигича Германия ҳамда Малайзия давлатларидан келтирилган тикув машиналари ва бичув дастгоҳлари билан жиҳозланганлиги, уларда меҳнат қилаётган ишчи ходимларнинг касбларига меҳрлари, тажрибалари сифатли, бежирим маҳсулотлар тикилишига омил бўлмоқда.

Қўшма корхонанинг асосий буюртмачиси Ўзбекистон Республикаси Ички

ишлар вазирлиги бўлиб, бу ерда шу тизим ходимлари учун махсус устки кийимбош тикилади. Бундан ташқари шахримиздаги Офицерлар уйи ҳарбийларига, яқка тартибдаги миқозларга намунали хизмат кўрсатилади. Утган 2002 йилда жамоада 280 миллион сўмлик махсус кийим-кечак тикилди.

Ҳозирда қўшма корхонанинг буюртмачилари сони ортиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қарашли «050» хизмати, «Жар» спорт мажмуаси ва бошқа корхона ва ташкилотлар каби буюртмачилар сафи кен-

гайиб бормоқда. Жамоа Россия давлати билан ҳам ҳамкорлик қилади, у ердан хом ашё келтирилади, шахримизда фаолият юритаётган корхона ҳамда хусусий фирмалардан фурнитурани хижозларини олади.

Мазкур жамоа тadbиркорлари тинмай изланади. Миқозларга ҳар томонлама қўлайлик яратиш, улар истагига мос, нисбатан арзон буюртмаларни бажариш истагида куч-ғайрат сарфламоқдалар. Моҳир бичувчилардан Салтанат Жалилова, Густина Кимлар, илғор, тажрибали тикувчилардан Холида Бобоева, Гулчеҳра Шомаҳмудовалар меҳнатлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Бундан ташқари оёқ кийимлар тикувчи усталардан Игор Тан-Сан, Дмитрий Болдеревлар ишидан буюртмачилар хурсанд. Эътиборли томони — корхонада таъмирлаш устахонаси ҳам мавжуд. Бу ерда ўз ишининг устаси, тажрибали чевар Гулнора Султанова самарали меҳнат қилади.

Қўшма корхонада ишчи-хизматчиларга қулай иш шароитлари яратилган. Корхона раҳбарлари иш унуми кўп даражада юқоридаги омилга боғлиқлигини яхши тушунадилар. Жамоа аҳлига ойлик иш ҳақлари ўз вақти-

да берилади, байрамларда мукофот пуллари ҳамда кам таъминланган оила аъзоларига эса моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Утган 2002 — Қарияларни кадрлаш йили муносабати билан 10 нафар нафақадаги қарияларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилди.

Жорий йилда жамоанинг режалари анчагина. Яна бир тикиш цехини ташкил этиш хайрли мақсадлар сирасига киради. Мазкур цех келгусида мавжуд технологияларга таянган ҳолда фаолият юритиб, қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилади. Зеро, Президентимиз яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йўғилишида «Бизнинг мақсадимиз, аввало юртимизда кенг имкониятлар мавжудлигини, яъни ҳамма керакли хом ашё, малакали ишчи кучларимиз борлигини инobatга олиб, рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ўз юртимизда чиқаришдир. Фақат шунинг ҳисобидан одамларни иш билан таъминлаш ва биз учун мураккаб бўлиб турган ишсизлик муаммосини ҳал этиш мумкин», деб таъкидладилар.

**Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: корхона
фаолиятидан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.**



Эрта тонг. Шаҳар аҳолиси ҳали уйқуда. Совуқ, лекин майингина шамол трамвайлар саройи дарвозаси ёнида ҳайдовчилар ва чиптачилар билан йўриқнома ўтказаятган аёлни юзларини силагандек эсаяпти. Яқинроқ бориб йўриқномани тугатган ҳамкасбимиз, 3-сон трамвай-троллейбус мажмуасининг трамвай тасарруфи бўйича раҳбар муовини Наргизахон Абдужалил кизи билан саломлашдик.

— Ҳорманг синглим! Биз муҳандислар Наврўз айёмига тайёрланаётган вагонларни текшириб чиқиш учун эрта келгандик, сизчи?

— Э ака, ходимларимиз билан режа ҳамда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш хусусида қўшимча йўриқнома ўтказаятган эдим. Кўраяпсиз, баъзи вагонларнинг ўриндиқлари носоз, ойналари тозалаб артилмаган, бирини мақтайман, бирини койийман. Шу трамвайларда бизнинг ҳамшаҳарларимиз, яқинларимиз ва шаҳарга келган меҳмонлар юради. «Халққа хизмат — олий ҳиммат» деганлар.

Шу пайт жамоанинг кейинги гурӯҳи йўғилди, Наргизахон улар ёнига ошиқди. У кетиб борар экан, орқасидан меҳр билан боқиб унинг таржимаи ҳолини эсладим.

1957 йилда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида оддий ишчи оила-сида таваллуд топган Наргизахон 1974 йил Ибн Сино номли 18-мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, яхши ниятлар оғушида пойтахтга келади. Дорилфунунга кириш имтихонларида керакли балл тўплай олади. У Тошкент грампластинкалар

истиқболи сари илк қадами кўйди. Кўз олдидаги пўлат излар ва шпаллар унга чегараси кўринмас пиллапоёга ўхшаб кўринар эди...

Ўзбек қизи ўзининг зеҳни, бор билими, тажрибасини меҳнат қилаётган жамоасининг равнақига бағишлайди. Оддий ишчидан раҳбар муовинигача бўлган йўлни шараф билан босиб ўтиб, жамоатчиллик ҳурматини қозонади. 1996 йил Тошкент коммуникация техникумини шаҳар электр транспорти муҳандиси иқтисоди бўйича тугатди.

Оиласида меҳрибон она, севимли ёр. Иш жойида талабчан раҳбар, қўл остидагиларга сирдош дўст бўлди. Давлатимиз унинг меҳнатларини муносиб кадрлаб «Меҳнат фахрийси» нишони ва бир қанча фахрий ёрликлар, эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Ўнлаб миллат вакилларидан ташкил топган бир оиладек аҳил жамоасини мустақил Ўзбекистон ривожига салмоқли ҳисса қўшиб, йўловчилар узогини енгил қилишдек савобли йўлдан дадил бошлаб бораётган Наргизахонга чин дилдан омад тилаймиз.

Аскар АБДУҚОДИРОВ

• ТРАНСПОРТ

**БИР ОИЛАДЕК
АҲИЛ ЖАМОА**

заводига прессловчи бўлиб ишга жойлашиб, меҳнат фаолиятини ишчи сифатида бошлади.

Ишга трамвайда бориб келгани учун ҳайдовчилар ва чиптачилар билан танишиб, уларнинг касбига меҳр қўяди. Шу меҳр уни 1976 йили 123-сонли техника билим юртининг трамвай ҳайдовчилари курсига етказди.

1977 йили нозиккина ўзбек қизи «пўлат от»ини жиловлаб, ўзининг янги

Фан

БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ МУКОФОТ

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти илмий дастури бўйича олиб борилаётган илмий изланишларда жаҳондаги кўпгина йирик олимлар қатнашиб, жиддий ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Иқтисод ва техника, атроф-муҳит муҳофазаси, қишлоқ хўжалиги каби фанлар бўйича кенг қўламда ташкил этилаётган бундай тадқиқотларни ўтказишда ўзбекистонлик олимлар ҳам ўз салоҳиятларини намойён этишмоқда.

Кимё фани йўналишида ташкил этилган тадқиқотлар ҳам яхши самаралар берди. Ўзбекистон Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти лабораторияларида юзага келган ангилликлар ҳам ҳамкорлик ташкилоти эътиборини ўзига тортди. Кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалар йўналиши бўйича илмий-амалий изланишлар олиб бораётган йирик кимёгар олим, академик Зокиржон Салимов тадқиқотлари ҳам юқори баҳоланди. Бу изланиш пахтани қайта ишлаш ва ёғмой корхоналари атрофидаги ҳаво таркибида бўлган толали чигитларга ишлов бериш ва қулай экологик шароит яратишда айниқса қўл келади. Самарали тадқиқоти муносабати билан ҳамкорлик ташкилоти қотибияти республикамизга хушхабар йўллади. Унда академик Зокиржон Салимов мазкур нуфузли ташкилотнинг биринчи даражали мукофоти билан тақдирланганлиги маълум қилинди.

ЙИРИК ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси республикамиз илм-фан ахллари билан ҳам яхши алоқа боғлаб келмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорлик ҳам яхши самаралар бермоқда.

Ҳиндистонда тайёрланган халқаро техник ва иқтисодий ҳамкорлик дастури бўйича амалга оширилаётган илмий изланишларга академия вакиллари жалб этилаётгани ҳам қувонарлидир.

Бундан ташқари мазкур нуфузли дастур миқёсида ўқув курслари ташкил этилди. Ҳинд дийридаги йирик илмий марказда уюштирилаётган ўқув машғулотларида қатнашиш учун 13 нафар илмий ходимга йўлланма берилди.

Ҳиндистонга йўл олган академия вакиллари техника ва иқтисодий ҳамкорлик йўналишида ҳам малака ҳосил қиладилар.

Анвар ВАЛИЕВ

Шарқнинг буюк олиму фозиллари бутун ҳаётлари давомида китоб шайдоси бўлганлар, билим хазинаси бўлмиш кутубхоналар ташкил қилиб, уларда минглаб нодир китоб ва қўлёзмалар сақлаб, уларни мутлола қилганлар. Зеро, битик ҳаммаша азиз. Барча замонларда кадрланган китоб, агар таъбир жоиз бўлса, инсониятни эзгуликка элтувчи йўлчи юлдуздир. Айни пайтда ҳам одамларнинг, айниқса ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишда кутубхоналаримизнинг аҳамияти беқиёс.

Шаҳримизнинг Қорасув даҳасида жойлашган педагогика билим юртининг зиё маскани ҳисобланган кутубхона ҳам ёшларнинг маънавий дунёқарашини ўзгартиришда, уларни истиқлол руҳида тарбиялашда муқаддас зиё маскани ҳисобланади.

Тажрибали педагог, ўз касбининг устаси Сарсенгул Кистабоева раҳбарлик қилаётган бу билим хазинаси қанчадан-қанча илм фидойилари, турли касб эгалари, ўқитувчи, ўқувчиларга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Китобхоналарнинг сонини жиҳатидан ҳам унча-мунча катта кутубхоналардан қолишмайди. Китобхоналарнинг сонини жиҳатидан ҳам унча-мунча катта кутубхоналардан қолишмайди. 1929 ўқувчига 12 минг 735 дан ортиқ илмий, бадиий ва тарихий китоблар, дарсликлар жамланган. Кунига юзлаб ўқитувчи, ўқувчи ва ходимларнинг ўз усталирида мустақил ишлашлари, изланишлари ва ижод қилишлари учун кутубхонада ҳамма қулайликларга эга бўлган шинамгина ўқув хонаси мавжуд. Бу ерда ўқитувчи ва ўқувчилар учун йилга ва ўтиладиган дарсларга тайёргарлик кўриш, унинг самарадорлиги ва мазмундорлигини ошириш учун барча шароитлар яратилган. Сарсенгул Кистабоева, Гүлчехра Пирматовна каби ширинсўз, тажрибали кутубхона хизматчилари ҳар бир ўқувчига китоб танлашда, керакли қўлланма, асарни, мақолани топишда ёрдам кўрсатмоқдалар. Кутубхона аъзолари — китоб мутлолаеси орқали кадрларимиз, урф-одатларимиз, юрт тарихини ҳамда бой маданий ва илмий меросимизни чуқур ўрганиб бормоқдалар. Кутубхонада турли оммавий, ташкилий, тарбиявий, маърифий учрашувлар, кечалар мунтазам ўтказилиб турилади.

Утган 2002 йилда «Аждодлар маънавий мероси ва бугунги ёшлар», «Китоб — Онг ва қалб ёғдуси», «Шаҳрисабз — Амир Темури Ватани», «Инсон ва табиат», «Ўлгансиз тарихини биласизми?», «Ватан ва ёшлар» каби мавзуларда ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир. Булардан ташқари кутубхонанинг шинам ўқув залида ёзувчи ва шоирлар, олимлар, санъаткорлар, элчихона ходимлари, суд ва прокуратура, Ички ишлар вазирлиги академияси ходимлари, тиббиёт ходимлари ҳамда ота-оналар, маҳалла фаоллари билан тез-тез учрашувлар, адабий ва савол-жавоб кечалари, мароқли суҳбатлар, мунозаралар, баҳслар, тарбиявий соатлар бўлиб туради.

• МАЪНАВИЯТ

Зиё маскани

Китоб — илм чашмаси, кўнгил чироғи, деймиз. Китоб онгу шууримизни бойитади, дунёқарашимизни шакллантириб, маънавиятимизни юксалтиради. «Китоб (битик) — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётини ўргатувчи мураббийдир», — деган эди буюк бокалонимиз Амир Темури.

Кутубхонада ташкил этилаётган ҳар бир маънавий-маърифий тадбирлар, илмий-назарий анжуманлар ва қизиқarli учрашувларни ўтказишда зиё масканининг тажрибали ходимлари билан ҳамкорликда кутубхонанинг фаол аъзолари Д. Абдуллаева, Ш. Жалолова, С. Холмирова, З. Турсунбаева, Қ. Тошпўлатова, Ш. Йўлдошевлар ҳам яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Ҳа, миллий маданиятимиз, маънавиятимиз, урф-одатларимиз, кадриятларимиз қайта тикланаётган бугунги кунда китобларнинг аҳамияти янада катта бўлмоқда, унга эътибор кучаймоқда. Ёшларимиз ўз усталирида тинмай ишлаб, ижодий изланишлари, мустақил фикр юриштишлари, кундалик янгиликлардан хабардор бўлиб туришлари даркор. Бунинг учун зиёбахш маскан — кутубхонага бориб, кўпроқ китоб, журнал, газета ўқиб, радио тинглаб, «Ойнаи жаҳонни» кўриб боришлари керак бўлади. Бир сўз билан айтганда, зиё маскани ўқувчи-ёшларнинг энг севимли жойларидан бирига айланиши керак.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ

• ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Қурилиш меъёрларига амал қилайлик

Бугунги кунда чирой очиб бораётган шаҳримизда қад кўтараётган замонавий объектлар, сўлим оромгоҳлар, янгица таъмирланаётган бинолар, равон йўллар, кўркам услубда қурилаётган кўпқирлар ва бозорлар мустақиллик шарофатидир.

Маълумки, республикамизнинг маълум қисми намланиш ва оғир юк ҳамда тебранишга бардош бера олмайдиган чўкувчан замин грунтдан иборат. Бундай грунтлар ўзига хос геологик, гидрогеологик ва иқлимий хусусиятларга эга. Шундай омилларга қўра бинокорликда лойиҳаларнинг мукамаллигини, қурилишнинг ишончли ва сифатли бажарилишини, аҳолининг хавфсизлигини ҳамда хўжалик объектларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида мавжуд бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини меъёрий даражада сақлаш муҳим масала ҳисобланади.

Фуқаро муҳофазаси борасида қабул қилинган қонун моддаларида, республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорларида ҳар бир вазирик, ташкилот, идора ва маҳаллий ҳукумат раҳбарлари жойлардаги хавфсиз ҳаётни таъминловчи — фуқаро муҳофазаси учун жавобгар шахслардир. Бу эса жуда катта масъулиятдир. Бунинг учун ҳар бир раҳбарда хавфсизлик маданияти юксак бўлмоғи керак. Хавфсизлик маданияти ҳақида гап юритар эканмиз, унинг моҳияти—мазмунига қўйидагича ёндошишни лозим топдик: хавфсизлик маданияти, бизнингча, раҳбарларимизнинг турли ноҳус вазиятларини сезиши, олдини олиш ва ҳаракат қилиш йўллари бўйича нечоғлик билим ва амалий тажрибага эга эканлиги билан белгиланиб, уни баҳолаш эса олдий халқ ўртасида соғлом ва фаровон турмуш тарзини тарғиб қилиш билан ўлчанади.

Демак, маҳаллий раҳбар нафақат ҳукумат ва туман ҳокими белгилаб берган топшириқларни, давлат режасини бажариши, балки маҳалла фуқароларининг яшаш шароити хавфсизлигини таъминлаш учун бош қотирмоғи лозимдир. Демак, маҳалланинг ҳар бир фуқароси ҳаётимизда учраши мумкин бўлган муаммоли ҳолатлардан муҳофазаланиш кафолатига эга бўлиши керак. Хавфсиз ҳаётни таъминлаш эса турли-туман талабларга қай тарзда амал қилмоғимизга боғлиқ.

Йўл ва бинолар қуришда халқимиз азалий фойдаланиб келган, соҳа фани эришган янги усуллари қўллаш яқин атрофда яшовчиларнинг ҳаётини маълум даражада хавотирли ҳолатдан сақлаб қолишга имкон беради. Ҳозирги пайтда

шаҳар қурилишида ва хусусий биноларни қуришда қурилиш меъёрлари ва қоидаларига амал қилинса, йўл ва кўчаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан назорати сурунқавий бажарилса, иморат ва иншоотларнинг мустақамлик даражаси белгиланган вақтда баҳолиниб турилса, кўнгилсиз (салбий) оқибатлар қамайган бўлар эди. Кейинги йилларда маҳаллаларнинг ўрни ва нуфузи ўсиб бораётганлиги жамият равнақида муҳим ўрин тутуши аниқ.

Янги биноларни қуришда, мавжудларини қайта тиклаш ва таъмирлашда бажарилиши лозим бўлган тадбирлар инobatга олинса, содир бўлиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олишга эриши мумкин. Аммо, кўпчилик оқибати аянчли бўлган ҳодисаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, таъмирлаш ишларини бажаришда меъёрий ҳужжатларда келтирилган талаблар баъзи ҳолларда бажарилмаётган, бунинг айниқса, шахсий уй-жой қурилиши жараёнида кўпга учратиш мумкин. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларини, айниқса, фуқаро муҳофазасида муҳандислик техник тадбирларга оид меъёрий ҳужжат талабларини бажармаслик «қўриб туриб босилган тикан» деганидир. Шаҳарларда, вилоят ва туманларда мавжуд кадастр ҳизмати фаолиятини жойлаштириш, уларни керакли замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ходимларнинг ушбу соҳадаги малакаларини ошириш, шу соҳа йўналишида эришилган фан-техника ютуқлари натижаларидан фойдаланиш, керакли қўлланмалар, услубийлар ишлаб чиқишга маблағни зинҳор аямаслик керак. Бу каби ишларнинг амалга оширилиши эса аҳоли хавфсизлигини таъминлашда, халқ хўжалиги тармоқларининг барқарорлигини оширишда, бино ва иншоотларнинг мустақамлигини, ишончлигини баҳолашда мавжуд қурилиш фондимиининг ҳолати бўйича, назорат тизимини, яъни мониторингини кенг йўлга қўйишга асос бўлиб хизмат қилади.

Миржалил ЮНУСОВ,
Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи, профессор.
Раҳмон КЕНЖАЕВ,
кафедра ўқитувчиси, доцент.

• КЎРГАЗМАЛАР

Пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган 139-болалар боғчасида ўғил-қизлар ижодий қобилиятларини ўстириш бўйича тажриба-намуна ишлари олиб борилаётган. Бу ерда ташкил топган «Чашма» ижодий устахонаси фаолияти мисолида болалар бадиий қобилияти ҳам ўрганилиб, қатор фойдали услубий тавсиялар тайёрланмоқда.

Боғчада ижодий устахона

Боғчада ташкил этилган кўргазма ҳам болалар истеъдодини намоиш этди. Тарбияланувчилар томонидан чизилган расмлар ҳам энг яхши ижод намунаси деб топилди.

Ёш истеъдодларнинг бу муваффақияти муносабатида тақдирланди. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат хиссдорлик компанияси томонидан тортиқ қилинган мебель ва гиламчалар «Чашма» ижодий устахонаси ихтиёрига топширилди.

Ақром ЙЎЛЧИЕВ

«050»: кутқарув
хизмати хабарлари

Ўз вақтида ёрдам беришди

Чилонзор тумани, 20-мавзадаги кўп қаватли хонадонларнинг бирида истиқомат қилувчи аёл уйларига келган меҳмонини кузатиш учун пастга тушди-ю сўнгра эшиги қулфланган қолганини сизди. Уй ичида эса 2 ёшли гўдак, газ плитаси ўстида эса бола учун иситилган оқват бор эди. Эшикка ўрнатилган, Туркияда ишланган қулфни очиш эса амримаҳол.

Кўшнларнинг уйидан зудлик билан «050» — «Кутқарув хизмати»га кўнғироқ қилди. Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмай сержант Раҳматилла Ортиқалиев, Алишер Эфендиев, Қаҳрамон Аҳмедовлардан иборат кутқарув гуруҳи етиб келди. Зудлик билан махсус техника ёрдамида эшикни очишганда уй ичидаги тутундан кўз очиб бўлмади.

Хаво етишмаслиги оқибатида бола полда беҳуш ётарди. Кутқарувчилар тезда эшик ва деразаларни очиб, уй ичини шамоллатишди, гўдакни эса тоза ҳавога олиб чиқишди.

Тезликни ошириш оқибати

«Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссдорлик компанияси худудида кўз, кўриб қулоқ эшитмаган автоҳалокат содир бўлди. Бу автоҳалокат сабабчиси тезлигини ўта ошириб юборган «Нексия» автомобили ҳайдовчиси эди. Катта тезликда кетаётган «Нексия» машинаси рўпарадан чиққан юк автомашинасига урилади. Оқибатда, юк автомашинаси ҳайдовчиси эҳтиёткорликни йўқотиб йўл четидан оқиб ўтувчи «Яланғоч» каналига машинаси билан ағдарилиб тушади.

Воқеа содир бўлган жойга кутқарувчилар етиб келишганда вақт ҳеч қанча ўтмаган эди. Улар биринчи навбатда пачоқ бўлган кабина ичидаги, ўз хушини йўқотган юк машинаси ҳайдовчисини кутқариш ишлари билан банд бўлишди. Ҳайдовчи кабина киррасига бошининг уриши натижасида хушини йўқотган ва анчагина жароҳат ҳам олган эди.

Кутқарувчилар махсус техника ёрдамида кабина эшикларини очиб, сиқилиб қолган ҳайдовчини чиқариб олишди. Шу ернинг ўзида унга биринчи тез тиббий ёрдамни кўрсатишди ва зудлик билан шифохонага ётқизишди.

Ўткир САИДОВ,
Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармаси Матбуот хизмати бўлими бошлиғи.

• ҲАМКОРЛИК

Тошкент Банк коллежида «Осиёга беғараз ёрдам» ташкилоти вакили Хеллон Велш хоним билан учрашув бўлиб ўтди.

Инглиз тилига талаба-ёшларни қизиқтириш, уларга шу тилда чуқур билим бериш ҳамда ёшлар ўртасида чет тилида мулоқот қилишни кучайтириш мақсадида ўтказилган ушбу учрашувда Чилонзор туманидаги «Халқаро болалар» кутубхонасининг директори Хеллон хоним талабаларга ушбу кутубхонадан фойдаланиш шарт-шароитлари, унга аъзо бўлиш қоидалари ҳақида гапириб берди.

Сўхбат чоғида Хеллон хоним ўзи яшаб ўсган юрти Янги Зеландия, у ердаги ҳаёт тарзи ҳақида ёшларга сўзлаб берди.

Самарали мулоқот



Шунингдек, коллеж талабалари «Халқаро болалар» кутубхонаси ва ундан фойдаланиш қоидалари тўғрисида ҳам кўплаб маълумотларга эга бўлишди.

Учрашувда АҚШдан

келган талаба Жед Америка ҳамда Ўзбекистон талабалари ҳақида ўзининг фикрларини билдирди.

Орзугул РУСТАМОВА
СУРАТДА: Хеллон хоним ўзбекистонлик ёшлар даврасида.

• АНЖУМАНЛАР

Тошкентнинг Чилонзор тумани ҳокимлигида «Тўғри оқватланиш саломатлик гаровидир» мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ФАРЗАНДИМ СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

Фарзанд оила кувончи, инсон ўзининг лаззатидир. Ҳар бир ота-она ўз бахтини унинг камолида кўради. Фарзанднинг руҳан тетик, жисмонан соғлом бўлишини истайдилар. Уларнинг соғлом бўлиши кўп жиҳатдан тўғри оқватланишни ташкил қила билишга боғлиқдир.

— Туманимизда ўн тўрт ёшгача бўлган 62 миң бола рўйхатга олинган, — деди Чилонзор тумани худудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Лобар Султонова «Туркистон—пресс» муҳбирига. — Фарзанднинг соғлом ривожланиши аёлнинг ҳомилдорлик давридаги жараёнларга, яъни унинг тўғри оқватланишига боғлиқ. Бунда фарзандларимизда учрайдиган кўп касалликларнинг олди олинади. Утган йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан, аҳоли ўртасида тиббий саводхонлик ошириш ҳамда ҳомилдорликнинг асосларини масалаларига доир иккита қарор қабул қилинган. Мазкур қарорлар юзасидан туманимиздаги «Гулистон», «Бўстон», «Новая», Ҳамза каби маҳаллаларида савол-жавоб кечалари ташкил этилди. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада нафақа ёши-

даги тахрибали шифокорлар фаолият кўрсатишди.

— Бугунги кунда она ва бола саломатлиги энг долзарб масалалардан биридир, — деди Кроссинк халқаро беғараз ёрдам ташкилотининг «Маҳаллани соғломлаштириш» лойиҳаси менежери Кайл Зиммерли сўхбатга қўшилиб. — Ун йилдики, ушбу лойиҳа юзасидан Шайхонтохур туманида фаолият олиб бориламан. Лойиҳанинг асосий мақсадларидан бири она ва бола соғломлигига эътибор қаратишдан иборат. Ушбу курсларда аёлларга тиббий маслаҳат ва курсмаллар берилди. Курсларни тугатган тиббий сертификат олишди. Жамиятнинг бир бўлаги оила ҳисобланади. Оиланинг бошқарувчиси эса аёлдир.

Шунингдек, анжуманда ҳомилдорлик вақтида оқватланишнинг аҳамияти, боғча ва мактаб ёшдаги болаларга тўғри оқватланишни ташкил қилиш, кўкрак сути билан боқинишнинг афзалликлари каби масалалар юзасидан фикр юритилди.

«Туркистон—пресс»

Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти травматология ва ортопедия кафедраси мудири, Бўгинлар ва панжалар жарроҳлиги марказининг директори тиббиёт фанлари доктори, профессор Шаҳоб Ҳамраев бой тахрибасининг самараси ўлароқ минглаб кишиларнинг соғлиги тикланган. Хизмат кўрсатган фан арбоби Ш. Ҳамраев таянч-ҳаракат тизими бўйича юзлаб ноб операцияларни амалга ошириб, кўплаб кишиларни ногиронлик остонасидан қайтарган. Иктидорли жарроҳ ўнлаб шогирдларини тайёрлаган бўлиб, улар ҳозирда республикамизнинг турли бурчакларида самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

СУРАТДА: профессор Шаҳоб Ҳамраев. Рустам Шагаев (ЎЗА) олган сурат.

• МАСЛАҲАТЛАР

◆ Жигарнинг сиртига пахта ёғи суртиб қўйилса, бир неча кунгача яхши сақланади.

◆ Йилаб кўпиртирадиган тухум оқиға жиндақина туз ташланса у тез кўпирди ва кўпик турғун бўлади.

◆ Саримсоқ пиёз тозалангандан кейин кўлни туз билан ишлаб ювилса ҳеч қандай ҳид қолмайди.

◆ Ҳамир махсулотлар қовуриладиган ёғга бир чой қошиқ сирка солинса ва олов кучли бўлмаса махсулот унчалик мой шиммай пишади, уни еганда ёғ кўнгилга урмайди.

◆ Тухум пўчоғи ҳеч қачон тоза бўлмайди. Уни чақиш ёки пишириш олдидан тузли сувда ювиб олинг.

◆ Гўштага туз селип қовурсангиз сели яхши чиқади ва мазали бўлиб пишади.

◆ Суюқ оқватлар шаклirlатиб қайнатилса хира тортади, милтиратиб қайнатсангиз тиниқ бўлади.

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Ўсмирларимиз бирдамлигини мустаҳкамлаб

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, ушбу ҳаракат мамлакатимиз ёшларини бир мақсад атрофида бириктиришга, уларнинг қайсидир маънода «сирдоши», таянчига айлиб бормоқдаки, бу албатта катта меҳнат ва изланишлар самарасидир. Бунда ёшларимиз ўртасида олиб борилаётган амалий тадбирлар, тушунтириш ишлари муҳим аҳамият касб этади.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза тумани кенгаши вакиллари ҳам тумандаги барча маҳалла ва ўқув юрларида ўз фаолиятларини қизгин амалга оширишмоқда.

Тумандаги «Наврўз», Собир Раҳимов маҳаллаларида ёшлар билан биргаликда ўтказилган тадбирдан ҳам кўзланган мақсад келажақ авлодларимиз бирдамлигини мустаҳкамлашдир.

«Ўз уйингни ўзинг асра!», «Қамолот — ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин!» каби мавзуларда ўтказилган тад-

• ТАДБИРЛАР

Маҳалла миллий кадриятлар, урф-одатлар, яхшилик ва савоб, меҳр-оқибат масканидир. Маҳалладошларнинг бир оила фарзандларидек тинч-тотув ҳаёт кечириши, хонадон ва кўчаларнинг саранжом-саришта, кўркам ва ободлиги эртаимизнинг нурли истиқболдан далолатдир.

Шайхонтохур туманидаги «Бўстон» маҳалласида Обод маҳалла йилида қилинадиган ишлар режасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Обод маҳалла — юрт кўрки

Маҳалла фаоллари, хотин-қизлар комиссияси аъзолари, педагог-тарбиячи, маҳалла посбони, профилактика нозирлари қатнашган ушбу тадбирда ўтган йилда қилинган ишларга ҳисоб берилди, камчиликлар рўст айтилиб, муаммолар ечими ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўртоқлашилди.

— 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб номланиши барчамизнинг айна кўнглимиздаги гап бўлди, шу билан бир қаторда зиммамизга жуда маъсулиятли вазифаларни юклади, — деди тадбирда сузга чиққан маҳалла оқсоқоли Абдусалом Отаметов. — Обод маҳалла йилида маҳаллаларимиз нанки озода, саранжом-саришта, кўркам гулзор, балки фуқаролари ҳам ҳуқуқий саводхон, юксак маънавиятли бўлиши, ҳар бир хонадоннинг тинч-тотув яшаши, фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол вояга етиши йўлида ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор. Ҳар бир ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар, кексалар, ногиронлар эътиборимизда бўлсин. Фарзандларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун, қолаверса, Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорига мувофиқ спорт майдончаларини таъмирлаб, уларнинг спорт билан шугулланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришни, маҳалламиз гузарини қуришни мўлжаллаганимиз. Бу ишда бизга маҳалладошимиз, тадбиркор Хайрулла Убайдуллаев бевосита ёрдам беришини билдирди.

Кўчаларимизнинг озода, саранжом-саришталиги, тинчлик-тотувликнинг сақланиши эртаимизнинг юксак тараққиёти пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, маҳалла, яъни Ватан ободлигига ҳисса қўшишда ҳар биримизнинг улушимиз бўлиши лозим.

Шахло МАХМУДОВА

бирларда барча маҳалла ёшлари иштирок этишиб, мавзулар атрофида ўзларининг фикр-мулоҳазалари, талаб ва таклифларини билдирдилар.

— Бугунги ёшлар дунёда, мамлакатимизда бўладиган воқеа-ҳодисаларга асло бефарқ эмас. Улар ўзларининг дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда фикрлайдилар ва ўз муносабатларини билдирдилар. Жамиятимизга ҳам бугунги кунда айнан шундай ёшлар керак — дейди туман «Посбон» маркази раҳбари Қосим Ҳасанов.

Озода РАҲМАТОВА

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИМНИНГ ДОМО БЎЛУҒ...

● Эй фарзанд, агар дунёда доимо тараққий қилай десанг, софдил бўл! Умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма! Ёмон кишилар билан улфатчилик қилма! Дунёда яхшилик қилиш лозимлиги ҳақида Лукмони ҳақим тўғрисидаги ҳикоятлардан ўрнат ол.

● Айтишларича, Лукмони ҳақимнинг олдига бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишди. Ундан ҳикматга оид нарсаларни сўрашди. Шунда келганлардан бири:

— Эй ҳақим, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасми-сан? — деб сўради.

— Ха, мен ўша чўпонман, — деб жавоб берди Лукмон. — Ҳозир қўриб турибсанки, ҳақимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.

Лукмони ҳақим унга:

— Рост сўзлашдан, омонатга хиёнатга қилмасликдан, ёлғон сўзламасликдан, бехуда сўзларни гапирмасликдан, мусибат ва балоларга мардона чидашдан, ўзимни барчадан кам санашдан! — деб жавоб берди.

● Мусибатли ва оғир дамларда қаноат ва сабрни пеша қил. Сабр бағоят мақбул ва маъқул сифатлардан биридир.

● Қариндош-уруғларингни ўзингдан узоқлаштира. Уларга марҳамат кўзи билан бок. Уларнинг гапига кулоқ сол ва яхшилик қил. Раҳм — узоқ яшаш учун воситадир ва у кишининг тўқ, фаровон яшашига сабабчи бўлади.

Байт:

**Кишидан рози бўлса
агар қариндош,
Ошиб обрўйи бўлмай
барчага бош!**

● Ҳеч бир кишини у хоҳ тирик бўлсин, хоҳ ўлик бўлсин ёмон сўзлар билан камситмаслик керак.

● Айб яширишни киши ўзи учун шиор қилмоғи керакки, бу улуг кишиларнинг ёқимли хислатларидандир.

● Барча каттаю кичикка, хоҳ у дўст бўлсин, хоҳ душман, Шайх Саъдий айтганидек, яхшилик қилинг.

Байт:

**Олтин-кумуш эҳсон қил,
ҳар яхшию-ёмонга
Бири савоб иш бўлса,
бири тузоқ зиёнга!**

• СПОРТ

Шаҳримиздаги МХСК спорт мажмуасида уч кун давомида каратэ бўйича ёшлар ўртасида учинчи Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Шоҳсупа тўридан жой олишди

Ишқибозлар билан лик тўла залга ўзбекистонлик ёш каратэчиларнинг маҳоратларидан баҳраманд бўлиш учун Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси жаноб Акио Кавато, JICA вакиллари ҳам келишди. Шунга айтиш керакки, мазкур чемпионат юртимизда каратэнинг нақадар оммалашиб бораётганини яна бир бор намоён этди. Зеро чемпионат бахсларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган қирққа яқин клубларнинг вакиллари

бўлимиш 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган 1500 га яқин шарқ яққакурашининг ёш иқтидорлари қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов юртимизда каратэнинг ривожини учун улкан ҳисса қўшаётган бир гуруҳ заҳматқаш мураббий, мутахассисларга федерациянинг махсус совғаларини топширган, қизиқарли беллашувлар бошланги кетди. Чемпионатда кўплаб ҳамшарҳларимиз юқори натижаларга эришишди. Жумладан, «Каратэ» профессионал мар-

кази вакили етти ёшли Сирожиддин Садриддинов илк бор бундай нуфузли мусобақаларда қатнашаётганига қарамасдан ўзидан бирмунча катталарни ҳам енгган ҳолда кумитэ бахсларида олтин нишонни кўлга киритди ва энг яхши ёш спортчи сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси клуби вакили 14 ёшли Азиз Абдуллаев эса ҳам ката, ҳам кумитэ бахсларида голиб чиққан ҳолда иккита олтин медалнинг соҳиби бўлди. У финалда ажойиб маҳорат кўрсатганлиги сабабли «Энг яхши жанг учун» махсус соврини билан тақдирланди. Бу Азининг Ўзбекистон чемпионатларидаги учинчи галабаси эди.

9 ёшлилар ўртасида «Каратэ» профессионал маркази тарбияланувчиси Муродхўжа Башархўжаев ката бахсларида голиб чиқди.

Санжар Мирзамухамедов («Каратэ» марказидан) эса 1985 йилда туғилганлар ўртасида ҳар иккала йўналишда ҳам барча рақибларини енгган ҳолда кўш олтин нишонга эга бўлди.

Қизлар ўртасида «Каратэ» профессионал маркази вакили Дилноза Ахмадждонова



ҳам 15 ёшлилар ўртасида кумитэда галаба қозониб мухлисларини шод этди.

Мусобақанинг барча голиб ва совриндорлари олтин, кумуш ва бронза нишонлар, дипломлар билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида «Каратэ» профессионал маркази биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси клуби вакиллари иккинчи ўринни банд этишди. Шунингдек, «Қарши», «Алломиш», «Ёш куч», «Билал» ва «Янгиқўрғон» клубларининг аъзолари ҳам кўплаб совринли ўринларни кўлга киритишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати-дан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш борасида кейинги пайтларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Туманларда анъанавий тарзда ўтказилиб келаётган спорт мусобақалари ҳам айнан юқоридаги мақсадларни кўзлаган ҳолда уюштирилмоқда.

ГИЛАМДА — БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР

Куни кеча Шайхонтохур туманидаги мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида миллий кураш бўйича мусобақаларнинг туман босқичи бўлиб ўтди.

Туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан туман ҳокимлиги, тумандаги «Зийнат» хайрия-спорт жамияти, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт институти ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада тумандаги 47 та боғча тарбияланувчилари саралаш босқичида қатнашдилар.

Икки кун давомида 102-мактабнинг спорт залида 90 га яқин «полвонлар» хал қилувчи финал мусобақаларига саралаш босқичидан ўтдилар. Шуниси эътиборга молики, ушбу мусобақага маҳаллалардаги боғчага қатнамайдиган болажонлар ҳам тақдирланди, барча иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Мусобақани кузатиб туриб, киши хурсанд бўлади, — дейди биз билан суҳбатда туман спорт кўмитасининг раиси Зийнат Иботулин.

— Чунки болажонлар йилдан-йилга спортни, миллий кураш нима эканлигини тобора яхшироқ тушуниб, галаба учун ҳаракат қилмоқдалар. Зеро, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг шу Фармон асосида қабул қилган қарори мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича олиб бораётган хайрли ишларимизни янада жонлантиришимизда янги йўللари очиб берди. Мен бугун ҳар бир спорт мусобақасини ўтказишда бизга яқиндан ёрдам бе-



риб келаётган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт институти талабаларига, хусусан Шоанвар Исроилов, Лазиз Воҳидов, Олимжон Хамидов, Шоатҳам Исроиловларга ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман.

Мусобақанинг ҳал қилувчи босқичи тумандаги 171-мактабгача таълим муассасасининг спорт залида бўлиб ўтди. Ота-оналар, маҳалла фаоллари ва боғча тарбиячилари қизгин ва ҳаяжонларга бой, кичкинтойларнинг шўх-шодон қийқириқлари остида ўтаётган ушбу мусобақада иштирокчиларни кўллаб-қувватлаб, далда бериб турдилар.

Ниҳоят ҳал қилувчи дақиқалар ҳам етиб келди. Рақибнинг курагини ерга теккизган 171-боғча тарбияланувчиси Хусан Абдуқодиров турнир голиблигини кўлга киритди. 229-боғча тарбияланувчиси Абдусамат Агаамов иккинчи ўринни, 241-боғча тарбияланувчиси Абдурашул Мираҳмедов ва 243-боғча полвони Абдуқодир Илёсовлар учинчи ўринни кўлга киритдилар.

Фурсатдан фойдаланиб боғча тарбиячиларини ҳам суҳбатга тортдик.

Дилбар Қорабоева — 588-боғча услубчиси: Таълим-тарбия масканларида спорт мусобақаларининг ўтказилиб турилишини жуда тўғри деб ўйлайман. Чунки соғлом ва бақувват кичкинтойлар эртамиз пойдевори, юрт равнақидирлар.

Холида Саъдуллаева — 448-боғча жисмоний тарбия ўқитувчиси:

— Болажонларимиз ўртасида спортга қизиқиш тобора ортмоқда. Ўтказаятган машғулотларида шунга яққол ҳис қиламанки, ўз устимизда яна кўпроқ ишлашимиз керак.

Мусобақанинг барча голиб ва қатнашчилари туман хайрия спорт жамғармаси томонидан ажратилган эсдалик совғалари ва дипломлари билан тақдирланди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.

Спорт

**РАҚИБЛАР
РЎБАРҮ
КЕЛИШДИ**

Жорий йилда Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатида бир гуруҳдан жой олган Ўзбекистон ва Испания терма жамоалари ўзаро ўртоқлик учрашуви ўтказишди.

Очигини айтганда, ҳамюртларимизга нисбатан ўз майдонида анча эркин, хужумкор ўйин намойиш этган испанларга омад кулиб боқди. Рақиблар дарвозаси олдида бир неча марта кескин вазиятлар содир этишга муваффақ бўлди. Виктор Борисов шогирдлари испанлар дарвозасига бир марта тўп киритиб, ўз дарвозалари тўридан тўрт марта гол ўтказиб юборишди. Европаликлар дарвозасини эса ҳамюртларимиздан Нодир Жўзубоев ишғол этди. Дарвоқе, шу кун майдонда терма жамоамизнинг Зейтуллаев, Бикмаев, Гейнрих сингари етакчи ўйинчилари ҳаракат қилишмади.

**ЯНА
ОМАДСИЗЛИК**

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида аёллар ўртасида теннис бўйича уюштирилган халқаро турнирда дастлаб болгариялик Малеева билан куч синнаган ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова 7/5, 7/6 ҳисобларида икки сетда галаба қозониб кейинги босқичга йўл олганди. АҚШлик ракетка устаси Селеш билан кечган иккинчи учрашувда эса Иродадан омад юз ўғирди. Негадир ўйини қовушмаган ҳамюртимиз икки сет натижаларига кўра 3/6, 5/7 ҳисобида рақибига имкониятни бой бериб қўйди.

**САФАРДАГИ
ГАЛАБА**

Туркиянинг Антали шаҳрида жорий йилги мавсумга тайёргарлик кўраётган «Пахтакор» жамоаси ишқибозлари кўнглини шод этди. Руминиянинг «Интергас» ҳамда Жанубий Кореянинг «Хондай» жамоалари билан кечган ўртоқлик учрашувлари пахтакорчиларнинг галабаси билан яқунланди. Руминияликлар билан ўтган биринчи учрашувда тошкентликлардан Марат Бикмаев дарвозани аниқ нишонга олиб кичик ҳисобдаги галабани таъминлаган бўлса, Жанубий Кореялик футболчилар билан кечган учрашувда дарвозаларга етти тўп киритилди. Рақибларини 4:3 ҳисобида енгган тошкентлик футболчилардан Хамидуллаев (2 та), Крохмал, Кошелевлар гол уриб беллашувнинг «Пахтакор» галабаси билан яқунланишини таъминладилар.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Марказий Осиёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири — Тошкентимизнинг жамоли кун сайин ўзгариб, гўзаллашиб бормоқда. Янгидан қаддини ростлаётган кўп қаватли бинолар, кенг ва раво шохсўхлар, замонавий кўприklar, хиёбон-истироҳат боғлари ва хотира масканларини яшил дунё — даракларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳеч шубҳасиз, ҳар йили шаҳримизга минглаб зийнатли дароҳт ва буталар экилади. Бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Лекин биз шаҳримизнинг янада яшил либосга бурканиши, унинг хусусига мос келадиган ўсимликлар экилишини ва мавжуд дароҳтлар дид билан парвариш қилинишини хоҳлаймиз. Албатта кўчаларимизга экилган дароҳтлар орасида оралғини жуда зич ёки уруғидан чиқиб эски зийнатли ўсимликларни бўғиб ташлаган тўт, айлант, гледичия, шу каби дароҳтлар, пала-партиш қилиб буталган ва шакл берилмаган ўсимликлар ҳам борлигини кўриб ачинамиз ҳам.

Биз шаҳарларимизга экиладиган зийнатли дароҳт ва буталар орасидан доим яшил игна баргли ва кенг баргли, гуллари чиройли ва узоқ муддат очилиб турадиган, ёқимли, нафис ҳудли, баргли ва мевалари тупида баҳоргача сақланиб турмайдиган ўсимликлар кўпроқ ўрин олишини хоҳлаймиз.

Манзарали ва фойдали хусусиятлари, ўзига хос чиройли шох-таббали, салобатли, тез ўсиб вояга етадиган, шакл бериши йирик, кўп гулли, пирамидасимон, гуллари оқ, пушти рангли асал ширага бой, панжасимон йирик барглирини кўзда ёппасига тўки юборадиган, меваси шифобахш ва молларга озуқа бўладиган ўсимликлардан бири кўнғир сохта каштандир.

Сохтакаштан (аескулус) туркуми сохтакаштандошлар оиласига мансуб бўлиб, ҳозирги вақтда фанда унинг 13 тури маълум. Шундан 6 тури Шимолий Американинг марказий қисмида (Калифорния ва Мериленд штатларида) табиий шариоқта ёввойи ҳолда ўсади, қолган 7 та туридан биттаси кўнғир сохтакаштан Болкон ярим оролининг жанубида (Албания, Греция ва Болгарияда), 6 таси Химолай, Хитой, Хиндистон, Япония ва Осиёнинг жанубий мамлакатларида кенг тарқалган.

Сохтакаштан турининг лотинча номи хипокостанум бўлиб, истъмолот қилинмайдиган каштан маъносини билдиради. Истеъмолот қилинадиган ҳақиқий ёки чин каштан эмандошлар оиласига мансуб. Ўрта ер денгизи атрофидаги худудларда ўстирилади.

Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларига дастлаб 1883 йилдан бошлаб кўнғир сохтакаштан экила бошлаган. Кейинчалик Ўрта Осиёдаги барча давлатларнинг худудларида уни экиш ва ўстириш авж олиб кетган.

Айни пайтда сохтакаштан туркумининг турлари Европа, шу жумладан Россиядаги даярли ҳамма йирик шаҳарларда ўстирилмоқда.

Кўнғир сохтакаштан жуда кўркям ва узоқ йил (500 ёшгача) яшайдиган манзарали дароҳт. Айниқса у гуллаган вақтда (апрель-май) бутун дароҳтнинг шингилсимон тўпгуллари қоплайди ва чиройли манзара ҳосил қилади. Тўпгуллари йирик, узунлиги 30 сантиметргача бўлади.

Гулнинг тожбарглари оқ ёки оқ пушти рангли бўлади. Тож баргларида томчи-томчи сариқ рангли доғлар бўлади. Бу доғлар ўзгариб секин-аста тўқ қизил ранга айланади. Қизғин шундаки, доғлар сариқ рангли бўлганида ёқимли хид чиқариб, гўлда нектар борлигидан дароҳт беради ва асалари ҳамда ҳар хил капалакларни гулни чағлатишга жалб этади. Доғлари тўқ қизил ранга бўлганида гўлдаги ёқимли хид ва нектарнинг йўқлигини билдиради. Шимолий Америкадаги эндем тури гуллаганда уни қолибр номли кўшча нектаридан фойдаланиб чағлатади.

Кўнғир сохтакаштан дароҳтини шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда салмоқли ўрин тута оладиган ва салобатга эга бўлган, бошқа дароҳтларга нисбатан турли касалликларга бардош бера оладиган, манзарали ўсимлик сифатида кўнлаб экишни тавсия этамиз. Унинг кўчатини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника илмий ишлаб чиқариш марказига мурожаат қилиш мумкин.

**Озодбек АШУРМЕТОВ,
Ўктам ПРАТОВ,
Рўзиқул ХУДОЙБЕРДИЕВ,
биология фанлари докторлари.**

• НАБОТОТ ОЛАМИДА

**МАНЗАРАЛИ
ВА ФЙДАЛИ
КАШТАН**

гуллаганда уни қолибр номли кўшча нектаридан фойдаланиб чағлатади.

Кўнғир сохтакаштан дароҳтини шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда салмоқли ўрин тута оладиган ва салобатга эга бўлган, бошқа дароҳтларга нисбатан турли касалликларга бардош бера оладиган, манзарали ўсимлик сифатида кўнлаб экишни тавсия этамиз. Унинг кўчатини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника илмий ишлаб чиқариш марказига мурожаат қилиш мумкин.

• ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР СИРЛАРИ

Машҳур «Орлов» (Амстердам ёки Лазарев деб ҳам номланган) олмоси Хиндистонда топилган олмосларнинг ичида энг йириги, энг гўзал, мафтункори ҳисобланади.

«ОРЛОВ» ЖАВОҲИРИ

Бу олмос Хиндистоннинг Голкүпрадаги Коллер қонидан XVII аср бошларида топилган. Унинг оғирлиги 300 карат (карат — 0,2 граммга тенг) бўлиб, шакли умумлоқ додекаэдрига эслатади. У катта асосий олмоснинг учдан икки қисмини ташкил қилиб, уни Хиндистон подшоҳи Шоҳ Жаҳон 1610 йил сотиб олади. Олмосни тарашилаб бриллиант ҳолга келтириш учун таниш хинд заргарига берадилар. Заргар олмосни икки йил тараши-

лаб, силлиқлаб, жило бериб, оғирлиги 199,6 карат бўлган бриллиант яраттади. Унга кўнлаб майда қирралар чиқарилиб, гўзал, мафтункор ҳолга келтиради. Шу кунга қадар ҳам у биринчи ишлов берилган ҳолда Хиндистонда бриллиант яратувчилар нимага қодир эканликларининг яққол намунаси бўлиб, тарих саҳифасидан ўз ўрнини топди. Унинг баландлиги 22 миллиметр, узунлиги 35 миллиметр, томонларининг бири 31, иккинчисиники 32

миллиметр. Дастлаб биринчи оғирлигидан анча камайгани учун шоҳ Жаҳон хурсанд эмас эди. Лекин бриллиантнинг қайтарилмас, табиат жуда кам яратадиган зангори-яшил рангдаги нозик жилвалари ҳар қандай инсонга маъқул бўлиб, қувонч бағишлайди. У нур сочиб ярқираб туради.

Айрим ривоятларга қараганда бу олмос Мадрасдаги энг катта ибодатхонанинг Брахма ҳайкали кўзи ўрнига ўрнатилган бўлиб, XVI аср бошларида уни француз солдати ўғирлайди. Яъни, солдат ибодатхона руҳонийси билан дўстлашиб, ибодатхона кўрқичисига айланади ва олмосни пайт пойлаб ўғирлаб инглиз кемаси капитанига 2000 минг фунт стерлинг-

га сотади. Капитан эса Англияга келгандан кейин бетакрор жавоҳирни яҳудий-савдогарга 12000 фунт стерлингга сотиб юборади. Бу қимматбаҳо тошнинг олдинги тарихи қанақа бўлишидан қатъий назар, Россия князи Григорий Орлов 1773 йили Амстердам шаҳрида армени савдогар Лазаревдан бу жавоҳирни 90000 фунт стерлингга (400.000 Россия рубли) сотиб олади. 1774 йили эса Орлов уни Россия императори Екатерина II га совға қилади. У Олий ҳокимият эгаси бўлган подшо салтанатининг ҳассаси теласига ўрнатилган. Шу кунларгача «Орлов» жавоҳири Россия олмос фондида сақланмоқда.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД тайёрлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

2003 йил 15 февральдан «Уздавцирк» республика бирлашмаси Тошкентбўй Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки 2003 йил 15 февральдан

ЕВРОЦИРК СУПЕР-ШОУ
дастурини намойиш этади. Унда:

Е Хово гимнастлари **Е** Афсунгар ва сеҳргар одамхўр
В **Кучуклар марафони** **В** **Бўма олоналар**
Р Юмалоқ доирадаги экви- **Р** «СЭМ» масҳарабозлар гуруҳи
О либрист **О** **Бенгад йўлбарс**
О **Айиқлар дискотекаси** шунингдек: **О**
«Лотос» балет гуруҳи **Валентин Дикку**
Ц **Йигитлардек жасур май- машҳур мактабининг битирув-**
И **мунаар** **чиси**
И **Томошалар:** жума кунлари — 18.00 да; шанба ва **И** **якшанба кунлари — 12.00, 15.00,**
Р **18.00 да бошланади.**
Р **Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.**
К **Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.**
К **Касса орталлабки соат 9 дан ишлайди.**
К **Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-94.**

Хўжалик қирувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тadbirkорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**133-15-32, 139-05-57,
55-67-42, 55-19-73.**



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 133-11-39;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
7587 нусхада босилади. Қўғоз бېғизини А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.**
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-қўғоми билан рўйхатга олинган

Нашрига етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамакта»га — 133-74-05 телефонига тўлиқ мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.